

Бухоро шаҳри

2022 йил "4" ноябр

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси номидан 05.01.2022 йилги №3-сонли бош ишончнома асосида иш юритувчи раҳбар Д.С.Рўзиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «JONDOR IRIS STROY» МСНЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар И.Садиллоев иккинчи томондан, ҳудудий бошқарманинг 25.07.2022 йил №37-и/ч-сонли буйруғи билан тасдиқланган тендер комиссиясининг №168969- лот бўйича 01.11.2022 йилги № 12/22 -сонли баённомасига асосан "Бухоро вилояти Шофиркон тумани Шодлик МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун ичимлик ва оқова сув тармоғини қуриш" объекти бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтларлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

"қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вақтинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": - сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур пудрат шартномасига асосан "Бухоро вилояти Шофиркон тумани Шодлик МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун ичимлик ва оқова сув тармоғини қуриш" объектида қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитларни яратиш, сифатли, объект лойиҳа-смета ҳужжатларига ва ишлаб чиқариш жадвалига мувофиқ бажарилган қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш ва ўрнатилган тартибда мазкур объект бўйича Республика бюджетидан пул маблағлари ажратилганидан сўнг молиялаштириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 107 163 202** (бир миллиард бир юз етти миллион бир юз олтмиш уч минг икки юз икки) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно;

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч(форс-мажор) ҳолати бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Шартноманинг 4. бандида кўзда тутилган ҳолатлар бўйича ўзгартиришлар тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча қурилиш-монтаж ишларини мазкур шартномада ҳамда ишларни бажариш жадвалида(2-чи илова) назарда тутилган ҳажм ва муддатларда бажариш ҳамда объектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш жараёнида ўз вақтида "Ўзсувтаъминот" АЖнинг 24.11.2020 йил №22-сонли буйруғи иловасида кўзда тутилган меъерий ҳужжатларни расмийлаштириш, юргизиш ва Буюртмачига тақдим этиб бориш;

- қурилиш майдонида зарур ва етарли даражадаги қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиш, уларни қабул қилиш, омборга жойлаштириш ва сақлаш;

- зарур ҳолларда Буюртмачини хабардор қилган ва розилиги билан қурилиш майдони ҳудудида ўз ҳисобидан вақтинчалик иншоотларни қуриш;

- Буюртмачи ва бошқа тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда қурилиш-монтаж ишларида ишлатиладиган ва объектда ўрнатиладиган асосий жиҳоз ва ускуна, қурилиш материалларини харид қилиш;

- Буюртмачи розилиги билан объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиш;

- ёрдамчи пудрат ташкилоти бош пудрат ташкилотининг мажбуриятлари бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгардир;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш;

- Буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва натижасига салбий таъсир этувчи ҳолатлар ҳамда камчиликлар бўйича асосланган талабларини Буюртмачи томонидан белгиланган муддат ва ҳажмларда тўлиқ бажариш;

- объектда қурилиш-монтаж ишлари давомида техника хавфсизлиги, табиатни, атроф-муҳитни, ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилган кундан бир ҳафталик муддатда қурилиш майдонини ўзиг тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари ва буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш;

- **Буюртмачининг биринчи талабига мувофиқ:**

а) объектда мазкур шартноманинг ишларни бажариш (2-чи илова) жадвалига асосан ойлик қурилиш-монтаж ишларини бажармаганлиги бўйича;

б) Буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва натижасига салбий таъсир этувчи ҳолатлар ҳамда камчиликлар бўйича асосланган талабларини Буюртмачи томонидан белгиланган муддат ва ҳажмларда тўлиқ бажармаганлиги бўйича;

в) объектни ўз муддатида фойдаланишга топшириш мажбуриятини бажармаганлиги бўйича;

г) буюртмачининг розилигисиз объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузганлиги **бўйича ҳисобланган пеня суммаларини тўлаш**;

- қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланганидан сўнг, объектни қабул қилиш бўйича давлат ва ишчи ҳайъат комиссиясига “Ўзсувтаъминот” АЖнинг 24.11.2020 йил №22-сонли буйруғи иловасида кўзда тутилган меъёрий ҳужжатларни тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи буюртмачидан қурилиш жараёнида олган кўрсатмалар мазкур пудрат шартномаси шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашидан иборат бўлмаса, пудратчи бундай кўрсатмаларни бажариши шарт.

Ишни тегишли даражада бажармаган пудратчи буюртмачининг бу ишларни текширмагани ва назорат қилмаганини важ қилиб келтиришга ҳақли эмас, қонунчиликда бундай текшириш ва назоратни амалга ошириш буюртмачининг зиммасига юкланган ҳоллар бундан мустасно.

Пудратчи қуйидаги ҳолларда зудлик билан Буюртмачини хабардор қилиши ва унинг жавобини олгунга қадар қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриши шарт:

- буюртмачи берган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

- буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

- пудратчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёхуд буюртмачи ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас.

Объектни қурилиш материаллари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида.

Пудратчи мазкур шартномани бажариш муносабати билан буюртмачи томонидан берилган мол-мулкнинг сақланмаганлиги учун жавобгардир.

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган вақтда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонунчиликнинг талабларига риоя этиши шарт ва бундай талаблар бузилганлиги учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча қурилиш-монтаж ишларини ўз куч-воситалари билан, объектнинг лойиха-смета ҳужжатларига асосан бажарилишига, шунингдек, ёрдамчи пудрат ташкилоти томонидан (мазкур шартнома талабларига риоя қилган ҳолда жалб қилинган тақдирда) ўрнатилган тартибда бажарилиши ҳамда объектнинг ўз муддатида фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгардир.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- объектда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши юзасидан доимий архитектура-қурилиш назоратининг олиб борилишини таъминлаш;

- Пудратчи томонидан мазкур шартномага асосан ўз зиммасига олган мажбуриятларга ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчи томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларини ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 7 (етти) кунлик муддатда кўриб чиқиш ва қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига (1-илова) мувофиқ пудратчига аванс маблағини бериш жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 10 (ўн) кунлик муддатда пудратчини қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган лойиха-смета ҳужжатлари билан таъминлайди;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Объектдаги қурилиш-монтаж ишларини давомийлиги « ____ » _____ 20 йилга қадар.

13. Қурилиш-монтаж ишлари ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 15% миқдоридан аванс ўтказиши, бу барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда – **166 074 480** (бир юз олти миш олти миллион етмиш тўрт минг тўрт юз саксон) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-2-илова). Лекин, Буюртмачи қурилиш-монтаж ишларини республика бюджетидан мазкур объект бўйича пул маблағлари ажратилганидан сўнг молиялаштирилади. Буюртмачи объектдаги қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш учун пул маблағларининг ўз вақтида республика бюджетидан ажратилиши бўйича жавобгар эмас.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати текширилгандан кейин, берилган аванснинг ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 90 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, амалдаги қонунчиликка асосан тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолда фойдаланувчи ташкилотга топширилган кундан 1 (бир) йилдан сўнг (кафолат муддати) ишлар қийматининг 10% миқдоридан амалга оширилади;

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор ва пудратчи мунтазам равишда қурилиш майдонида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишлар ўтказишади.

23. Пудратчи мустақил равишда ишларни бажариш лойиҳаси ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режа ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ҳудудий Қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи Пудратчига қурилиш майдонини топшириш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш, етишмаётган тупроқни казиб олиш жойи тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи объектнинг геодезия нуқталари, линиялар ва даражаларга нисбатан тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамларининг тўғрилиги ва уларнинг мувофиқлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган нуқталарни белгилаш (разбивка) ва геодезия ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш (разбивка) ишларида ўрнатилган координаталар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни бутун қурилиш-монтаж ишларини бажариш даврида сақлайди ҳамда қурилиш-монтаж ишлари якунланганидан сўнг далолатнома орқали Буюртмачига топширади.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитилладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитилладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитилладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртма тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йу участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтариди ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, амалдаги қонунчиликка асосан тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолда фойдаланувчи ташкилотга топширилган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати 18 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур дарожада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган бошқа жавобгарликка тортилади.

59. Буюртмачи қурилиш-монтаж ишларини республика бюджетидан мазкур объект бўйича пул маблағлари ажратилганидан сўнг молиялаштиради. Буюртмачи объектдаги қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш учун пул маблағларининг ўз вақтида республика бюджетидан ажратилиши бўйича жавобгар эмас.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 % (фоиз) миқдоридан жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз муддатида фойдаланишга топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 (фоиз) миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси мазкур шартнома умумий қийматининг 30 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан аниқланган нуқсонлар ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 % (фоиз) миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 15 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

Пудратчи объектда мазкур шартноманинг ишларни бажариш (2-чи илова) жадвалига асосан ойлик қурилиш-монтаж ишларини бажармаганлиги учун, бажарилмаган қурилиш-монтаж ишлар қийматининг 0,5 % (фоиз) миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ойлик ишлар қийматининг 15 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

Пудратчи Буюртмачининг розилигисиз объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузганлиги учун шартнома тузилган кундан мазкур ҳолат аниқланган кунга қадар ҳар бир кун учун шартнома умумий қийматининг 0,2 % миқдоридан, лекин шартнома умумий қийматининг 5% (фоиз)дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди;

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 % фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даъвогар жойлашган иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир чинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.03.2023 йилга қадар, мажбуриятларни бажариш қисми бўйича эса мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунигача қадар.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

БУЮРТМАЧИ:

**«СТОСОҚБ ИК» УК Бухоро вилоят
худудий бошқармаси**

Манзил: Бухоро ш. Б.Накшбанд куч. 299

Х/р _____

ИНН 305 975 413 ОКЭД 42210

Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси

Газн.х/р 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО 00014


ИНН қаз. под. 201 122 919


Тел. (065) 222 74 13

Раҳбар:  Д.Рўзиев

Иқтисод бўйича муовин  _____

Бош ҳисобчи  _____

Ҳуқуқшунос  _____

Маркетинг  _____

Пудратчи:

«JONDOR IRIS STROY» МСНҲ

Манзил: Бухоро вилояти Жондор туман

Обод МФЙ Юқори обод қишлоғи




Х/р: с/сч 2020 8000 8007 0492 6001

“Микрокредит банк” Жондор туман
филиали

МФО: 00108, ИНН 304 515 637

Тел: +99894 544 01 02; 98-274-70-06

Раҳбар:  И.Садиллоев

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 168969 на приобретение "Шофиркон тумани Шодлик МФЙ худудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун "ичимлик ва оқава сув тармоғини қуриш " объекти қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш № 12/22

Способ проведения электронный

Дата 01.11.2022

Время рассмотрения 01.11.2022 14:39

Закупочная комиссия Узсувтаъминот АЖ Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Бухоро вилоят худудий бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Рўзиев Даврон Сафарович	Бошқарма бошлиғи	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Бухоро вилояти худудий бошқармаси
Секретарь комиссии	Иброхимов Шахриёр Мухаммадович	бош мутахассис	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси Бухоро вилояти худудий бошқармаси
Член комиссии	Акрамов Миршод Хикматиллоевич	бош муовин	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Бухоро вилояти худудий бошқармаси
Член комиссии	Раджабов Акмал Алишерович	бош мутахассис	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Бухоро вилояти худудий бошқармаси
Член комиссии	Имомов Шохижахон Шухратович	бош мухандис	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Бухоро вилояти худудий бошқармаси
Член комиссии	Саъдуллаева Нозима Нутфуллаевна	бош хисобчи	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Бухоро вилояти худудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.11.2022 года № лота 168969.
 Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по строительству системы канализации
Подробное описание	“Шофиркон тумани Шодлик МФЙ худудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун “ичимлик ва оқава сув тармоғини қуриш ” объекти қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш
Количество товара	1.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	900 000 000.00
Стартовая сумма	900 000 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по строительству системы канализации
Подробное описание	“Шофиркон тумани Шодлик МФЙ худудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун “ичимлик ва оқава сув тармоғини қуриш ” объекти қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	212 163 202.00
Стартовая сумма	212 163 202.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлар руйхатн

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар руйхатн

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JONDOR IRIS STROY MCHJ	31	маълумотнома илова қилинади	17	Экспертная		
ООО KOORDINATOR PLYUS	31	маълумотнома илова қилинади	13	Экспертная		
QURUVCHI PUDRAT QURILISH MCHJ	31	Маълумот илова килинди	10	Экспертная		
BUKHARA DISCOVER BUILDING MChJ	31	Ташкилотимиз 2015 йилдан буён қурилиш қилиб келади. Боғча ва мактаблар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриб фойдаланишга топширган. Бир неча буюртмачилар ва ҳокимликлардан ташаккурнома ва мақтов ёрликлари қабул қилинган. Соҳавий қурилиш ташкилотлари Рейтингида ССС категорияга эга. Танлов комиссиясидан	0	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		баҳолашда эътиборли бўлишларини сўраймиз				
MIRRANSOL CAPITAL STROY INVEST МЧЖ	31	суралган маълумотлар файллари тулик юкланди	5	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JONDOR IRIS STROY MCHJ	35	маълумотнома илова қилинади	35	Экспертная		
ООО KOORDINATOR PLYUS	35	маълумотнома илова қилинади	30	Экспертная		
QURUVCHI PUDRAT QURILISH МЧЖ	35	Маълумотлар илова қилинди	0	Экспертная		
BUKHARA DISCOVER BUILDING МСН	35	Ташкилотимиз 2015 йилдан буён қурилиш қилиб келади. Боғча ва мактаблар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриб фойдаланишга топширган. Бир неча буюртмачилар ва ҳокимликлардан ташаккурнома ва мақтов ёрликлари қабул қилинган. Ташкилотда 15 дан ортик олий маълумотли тегишли мутахассисликка эга мутахассис ҳодимлар ҳамда 40 дан ортик ишчилар ишлаб келишмоқда	30	Экспертная		
MIRRANSOL CAPITAL STROY INVEST МЧЖ	35	суралган маълумотлар файллари тулик юкланди	30	Экспертная		

Критерий №3 Қурилиш-пудрат ташкилотлари <https://reyting.mc.uz/> электрон рейтинги (умумий қурилиш йўналиш)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш-пудрат ташкилотлари <https://reyting.mc.uz/> электрон рейтинги (умумий қурилиш йўналиш)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JONDOR IRIS STROY MCHJ	10	маълумотнома илова қилинади	10	Экспертная		
ООО KOORDINATOR PLYUS	10	маълумотнома илова қилинади	10	Экспертная		
QURUVCHI PUDRAT QURILISH MЧЖ	10	Маълумотлар илова қилинди	10	Экспертная		
BUKHARA DISCOVER BUILDING MCHJ	10	Соҳавий курилиш ташкилотлари Рейтингида ССС категорияга эга. Халқаро ва миллий тоифасидаги ISO 9001, ISO 45001, ISO 14001 мувофиқлик сертификатларига эга	10	Экспертная		
MIRRANSOL KAPITAL STROY INVEST MЧЖ	10	суралган маълумотлар файллари тулик юкланди	10	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JONDOR IRIS STROY MCHJ	44	маълумотнома илова қилинади	43.5	Экспертная		
ООО KOORDINATOR PLYUS	44	маълумотнома илова қилинади	44	Экспертная		
QURUVCHI PUDRAT QURILISH MЧЖ	44	Маълумотлар илова қилинди	0	Экспертная		
BUKHARA DISCOVER BUILDING MCHJ	44	Хизмат кўрсатувчи банк томонидан ташкилотнинг айланма маблағлари, ҳисоб рақам қолдиклари ҳамда ушбу объект учун (лот рақами кўрсатилган ҳолда) айланма маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома тасдиқланган ҳолда тақдим қилинди. Шунингдек, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар тақдим қилинди.	43	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MIRRANSOL KAPITAL STROY INVEST MЧЖ	44	суралган маълумотлар файллари тулик юкланди	32	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MIRRANSOL KAPITAL STROY INVEST MЧЖ	1 112 163 202.00	1 107 000 000.00 UZS	1 107 000 000.00	00.00	1 107 000 000.00	31.10.2022 19:28:44	9.34338
BUKHARA DISCOVER BUILDING MЧЖ	1 112 163 202.00	1 044 000 000.00 UZS	1 044 000 000.00	00.00	1 044 000 000.00	31.10.2022 19:04:01	9.9072
JONDOR IRIS STROY MЧЖ	1 112 163 202.00	1 107 163 202.00 UZS	1 107 163 202.00	00.00	1 107 163 202.00	28.10.2022 15:18:23	9.342
ООО KOORDINATOR PLYUS	1 112 163 202.00	1 034 311 777.00 UZS	1 034 311 777.00	00.00	1 034 311 777.00	31.10.2022 10:01:55	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:


Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MIRRANSOL KAPITAL STROY INVEST MЧЖ	57.7503	9.34338	67.09368
QURUVCHI PUDRAT QURILISH MЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
BUKHARA DISCOVER BUILDING MЧЖ	62.2503	9.9072	72.1575
JONDOR IRIS STROY MЧЖ	79.1253	9.342	88.4673
ООО KOORDINATOR PLYUS	72.7497	10	82.7497




Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 168969 от 01.11.2022 года на приобретение "Шофиркон тумани Шодлик МФЙ худудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун "ичимлик ва оқава сув тармоғини қуриш" объекти қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш определила победителем:

JONDOR IRIS STROY MЧЖ
304515637


и резервный исполнитель: ООО KOORDINATOR PLYUS (300502370)

Проголосовали


Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Рўзиев Даврон Сафарович	Согласен	
Член комиссии	Акрамов Миршод Хикматиллоевич	Согласен	

Член комиссии	Раджабов Акмал Алишерович	Согласен	
Член комиссии	Имомов Шохижохон Шухратович	Согласен	
Член комиссии	Саъдуллаева Нозима Нутфуллаевна	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Ш. Иброҳимов 

№ п/п	Наименование	Единица измерения	Количество	Цена за единицу	Сумма
1	Молочная сыворотка	л	2025	1000	2025000
2	Сметана 10%	кг	100	1000	100000
3	Жирное сливочное масло 82%	кг	100	1000	100000
4	Сливки 30%	кг	100	1000	100000
Итого					2325000



**“Шофиркон тумани Шодлик МФЙ худудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун
“ичимлик ва оқава сув тармоғини куриш” объектнинг**

Молиялаштириш графиги

Объектнинг умумий қиймати **1 107 163 202,0** (бир миллиард бирюз олтмишуч минг иккиюз икки сўм) ҚҚС билан

2022 йилдучун ажратилган лимит (90%) **1 051 805 041,0** (бир миллиард элликбир миллион саккизюз беш минг қирқбир сўм) ҚҚС билан

Молиялаштириш шартлари	Қиймати	2022 йил учун молиялаштириш	2022 йил		2023 йил учун 5% кафолат суммаси
			Ноябр	Декабр	
Бўнак 30%	332 148 961	332 148 961	332 148 961		
Жорий йил учун молиялаштириш 65 %	719 656 081	719 656 081		719 656 081	
5% Кафолат суммаси	55 358 160				55 358 160
ЖАМИ:	1 107 163 202	996 446 882	332 148 961	719 656 081	55 358 160

Буюртмачи

**Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши
бўйича инжиниринг компанияси” УК Бухоро
вилояти Худудий бошқармаси бошлиғи
Д. Рўзиев**



Пудратгчи:


**“Жондор Ирис Строй” МЧЖ бошлиғи
Садиллоев И.**



“Шофиркон тумани Шодлик МФЙ худудидаги кўп қаватли уй-жойлар учун
“ичимлик ва оқава сув тармоғини қуриш” объектнинг
бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари
ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Ўлчов бирлиги	Ишлар ҳажми	Қиймати	Иш тури қийматининг жами (м. Сум)	2022 йил	
						Ноябр	Декабр
1	Ер ишлари	сум		120 154 477,00	120 154 477,00	120 154 477,00	
2	Темир бетон қудуқларни ётқизиш ишлари	сум		109 147 856,00	109 147 856,00	109 147 856,00	
3	Қувур ётқизиш ишлари	сум		650 475 624,00	650 475 624,00	325 237 812,00	325 237 812,00
4	Босим ости назорат ишлари	сум		412 721,00	412 721,00		412 721,00
5	Ободонлаштириш ишлари	сум		226 972 524,00	226 972 524,00		226 972 524,00
	Жами:			1 107 163 202,000	1 107 163 202,00	554 540 145,000	552 623 057,000


Буюртмачи



Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК Бухоро вилояти худудий
бошқармаси бошлиғи

Д. Рузиев

Пудратчи:



“Жондор Ирис Строй” МЧЖ бошлиғи

И.

Садиллоев